



Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бир қавм Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб ўтирар экан, фаришталар уларни қуршаб оладилар, уларни раҳмат ўраб олади, устларига сакинат-сокинлик тушади ҳамда Аллоҳ таоло Ўз ҳузурдаги фаришталар ичида уларни зикр қилади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бир қавм Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб ўтирар экан, фаришталар уларни қуршаб оладилар, уларни раҳмат ўраб олади, устларига сакинат-сокинлик тушади ҳамда Аллоҳ таоло Ўз ҳузурдаги фаришталар ичида уларни зикр қилади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бир қавм Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб ўтирар экан, фаришталар уларни қуршаб оладилар, уларни раҳмат ўраб олади, устларига сакинат-сокинлик тушади ҳамда Аллоҳ таоло Ўз ҳузурдаги фаришталар ичида уларни зикр қилади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Парвардигорини зикр қиладиган киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг мисоли гўё тирик билан ўликнинг мисолидадир» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Парвардигорини зикр қиладиган киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг мисоли гўё тирик билан ўликнинг мисолидадир» (Имом Бухорий ривояти).



Ислом Нури

- Сенга тасбеҳ, такбир, ҳамд айтиб сени улуғлаяптилар.
- Улар Мени кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, кўрмаганлар.
- Агар мени кўрсалар нима қилишади?
- Унда сенга янада кўпроқ ибодат қилиб, бундан-да кўп тасбеҳ айтиб, сени улуғлашади.
- Улар мендан нима сўраяптилар?
- Сендан жаннат сўрашяпти.
- Жаннатни кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, жаннатни кўрмаганлар.
- Агар кўрганларида нима бўларди?
- Агар жаннатни кўрсалар унга янада қаттиқроқ интилиб, талабгор бўлиб рағбатлари ошиб кетарди.
- Нимадан паноҳ тилаяптилар?
- Дўзахдан.
- Улар дўзахни кўришганми?
- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, уни кўрмаганлар.



Ислом Нури

- Агар кўрсалар нима бўларди?
- Агар кўрсалар дўзахдан яна ҳам кўпроқ, қаттиқроқ кўрққан бўлардилар.
- Сизлар гувоҳсизлар, Мен уларни мағфират қилдим.

Шунда фаришталардан бири дейди:

- Фалончи ораларида ўтиргани билан улардан эмас. У бир иш билан келганди.
- Улар шундай ҳамсуҳбатлар-ки, улар билан ўтирган одам улар туфайли бадбахт бўлмас!» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш У зотга яқинлаштирадиган, гуноҳларни ўчириб, даражаларни юксалтирадиган энг афзал амаллардандир. Зикр мажлислари - Қуръон ўқиш, илм ўрганиш, тасбеҳ, таҳлил, истиғфор айтиш мажлисларидир. Аллоҳ таоло бундай мажлис аҳллари яхши кўради, уларга малоикалар ҳозир бўладилар, устларига раҳмат ёғилади. Зикрларни ададга, вақтга, жойга, кайфиятга хослаш суннатда кўрсатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда бидъат бўлиб қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Зикрнинг фазли, унинг манзилат-мартабаси ва у энг афзал амаллардан экани;
2. Зикр гуноҳларнинг кечирлишига сабабдир;



Ислом Нури

3. Яхши, солиҳ суҳбатдошлар баракоти.